

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

БЕРДИЕВ ЎКТАМ БАХРИДДИНОВИЧ

ТАРИХ ФАНЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ
МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ МУАММОЛАРИ

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

УДК:101.1:316(075.8)

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавние автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Бердиев Ўктам Бахриддинович

Тарих фанларининг ижтимоий-фалсафий методологик
асослари муаммолари.....5

Бердиев Уктам Бахриддинович

Проблемы основ социально-философской методологии
исторических наук.....23

Бердиев Ўктам Бахриддинович

Problems of the foundations of socio-philosophical methodology
of historical sciences ,.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications works.....48

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

БЕРДИЕВ ЎКТАМ БАХРИДДИНОВИЧ

ТАРИХ ФАНЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ
МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ МУАММОЛАРИ

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/Fal386 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Яхшиликков Жўрабой Яхшиликкович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жўраев Нарзулла Қосимович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Тешаев Нутфилло Насруллоевич
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил "27" июнь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (136 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил "14" июнь куни тарқатилди.
(2022 йил "14" июнь даги 4 рақамли реестр баённомаси.)



Наврўзова Г. Н.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Шарипов А. З.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари доктори, доцент

SXes

Саломова Х. Ю.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. Жаҳонда шиддат билан давом этаётган глобаллашув, ижтимоий жараёнларнинг мураккаблашиши ва тезлашиши натижасида кишилик тарихининг моҳиятини очиб бериш, жамият ядроси-маданий борлиқ ривожланишини объектив акс эттиришни таъминлаш муаммоси юзага келмоқда. Жамият ривожланишига оид қонуниятлар ва тамойилларнинг ўзига хос хусусиятларини методологик жиҳатдан илмий асослаб бериш ва инсоният тарихини холисона талқин қилишга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Тарихийлик ва мантиқийликнинг бирлиги тамойили воситасида тарих фанларининг ижтимоий-фалсафий методологик асосларининг тарихни диалектик маданий тушунишга асосланган концепциясини ишлаб чиқиш ва жамият тараққиётидаги ислохотларнинг ижтимоий-фалсафий моҳиятини очиб бериш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида жамият ривожланишининг қонуният ва тамойилларини очиб бериш, инновацион метод ва ёндашувлар, янгиланишлар ва ислохотларнинг ижтимоий маданий хусусиятларини тарихий фанлар контекстида ўрганишга оид тадқиқотлар олиб борилмоқда. Инсоният тарихини тадқиқ этишда методологик база сифатида қайд этилган формацион ёндашувнинг бир ёқламалиги ҳамда жамият мавжудлиги ва унинг ҳар хил ёндашувлар асосида тадқиқ этилганлигини чекланганлиги ижтимоий-фалсафий жиҳатдан бугунги давр талабларига жавоб беролмаслиги, кишилик тарихига нисбатан янгича муносабатни шакллантириш ва методологияни ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Жамиятнинг ривожланиш тарихини холисона тадқиқ этиш, тарих фанларининг ижтимоий-фалсафий методологик муаммоларини объектив таҳлил қилиш, тарихни диалектик-маданий тушунишга асосланган методологик асосларини илмий-назарий ва ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш зарурияти тобора ортиб бормоқда.

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида миллий давлатчилик тараққий топишининг энг янги тарихини тадқиқ этиш, илм-фаннинг таълим ва бошқа ижтимоий соҳалар билан интеграциявий механизмларини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш, ёшларда мамлакат тарихи ҳақидаги чуқур билимларни шакллантиришга оид ислохотлар амалга оширилмоқда. “Тарихга оид илмий-тадқиқот ишлари асосан баёнчилик, публицистик усулда олиб борилмоқда. Натижада олис ва яқин ўтмишимиздаги кўпгина воқеаларнинг мазмун-моҳияти, уларни юзага келтирган омиллар ва тарихий қонуниятлар очилмасдан қолмоқда. Бир ҳақиқатни барчамиз чуқур англаб олишимиз керак: миллий тарихни халқимиз, айниқса, ёшларимизга миллий руҳда етказиш, уларнинг қалбига, шуурига сингдириш керак”¹. Шу нуқтаи назардан тарих фанларининг муаммоларини корреляцион-функционал ва субстанционал қонуниятлар

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021. – Б.286-287.

асосида тадқиқ этиш, кишилиқ тарихини формацион ва цивилизацион даврлаштириш, тарихни диалектик маданий тушунишга асосланган илмий назарияларнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятларини очиб бериш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 январь 2022 йилдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 30 июнь 2017 йилдаги ПҚ-3105-сон “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”, 9 сентябрь 2020 йилдаги “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 20 декабрь 2017 йилдаги 1003-сон “Ўзбекистон амалий санъат ва хунармандчилик тарихи давлат музейини ташкил этиш тўғрисида”, 13 апрел 2021 йилдаги 206-сон “Бердақ номидаги Қорақалпоқ адабиёти тарихи давлат музейи ва Маҳмудхўжа Бехбудий уй-музейини ташкил этиш тўғрисида”, 17 ноябрь 2021 йилдаги 692-сон “Ҳарбий тарихни ўрганиш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ижтимоий-тарихий жараёнларни объектив билиш ва ифодалаш масалалари ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихида Аристотел, К. Ясперс, П. Сорокин, Ф. Бродель, А. Тойнби, Ф. Бекон, Г. Гегель, А. Барг, Л. Феве¹ каби олимларнинг асарларида очиб берилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги илмий ҳамжамиятида ҳам тарих фанларининг методологиясига оид кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, В. Сыров, Э. Мелконян, Б. Могильницкий, Ю. Захарук, Л. Репина,

¹ Қаранг: Аристотель. Сочинения: в 4-х томах. Том 4. – Москва: Мысль, 1984. - 830 с., Ясперс К. Смысл и назначение истории. – Москва: Полит издат, 1991. - 530 с., Сорокин П.А. Голод как фактор. – Москва: Наука, 2003. - 684 с., Бродель Ф. Что такое Франция. – Москва. 1995. - 488 с., Тойнби А.Дж. Постигание истории. – Москва: Прогресс, 1991. - 411 с., Бэкон Ф. Новый органон. – Москва: Рипол классик, 2018. - 364 с., Гегель. Перевод Водена А.М.Сочинения.ТомVIII.Философия истории. – Москва: СОЦЭКГИЗ. 1935. - 470 с., Барг М.А. Проблемы социальной истории. – Москва: Наука, 1973. - 232 с.,Февр Л. Бои за историю. – Москва: Наука, 1991. - 632 с.

С. Тягунов, Н. Смоленский¹ каби олимларнинг тадқиқотларини келтириш мумкин.

Ўзбекистон худудида ҳам кўплаб олимлар тарих фанларининг методологик муаммоларини, тарих фалсафаси ва тарихни диалектик маданий тушуниш муаммоларининг генезиси ва жамият тараққиётидаги ўрни, стратегик аҳамияти, тарихий жараёнларни тадқиқ қилишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни илмий жиҳатдан аниқлаш масалалари билан шуғулланган. Хусусан, Н. Жўраев, Р. Ражабов, З. Илҳомов, Д. Алимова, Қ. Назаров, Ж. Яхшиликков, Н. Муҳаммадиев, М. Рустамбоев, Б. Турдибоев, Р. Маматқулов, С. Абдухалиқов² каби олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар муҳим илмий аҳамиятга эга.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон тарихшунослари, тарих фанининг методологик муаммолари билан шуғулланган қатор тадқиқотчиларнинг илмий изланишларидан унумли фойдаланилди. Тадқиқотда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, тарих фанларининг ижтимоий-фалсафий методологик асослари, тамойиллари, илмий билиш шакл ва усуллари, тарихий манбалардан фойдаланишнинг ижтимоий-фалсафий тушунишларга боғлиқлиги, ўтмиш тарихини диалектик маданий тушуниш концепцияси асосида таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Навоий давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОФ-07-сон “Ҳаракатлар стратегияси контекстида умуминсоний кадриятлар ва жамият барқарорлиги” (2017-2021 йй.) номли тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

¹ Қаранг: Сыров В.Н. Способы концептуализации всемирной истории и их эволюция» (научный руководитель д.ф.н. профессор М.П.Завьялова). Томск - 1987-1989. Мелконян Э.Л. Проблемы сравнительного метода в историческом знании. – Ереван. 1981. - 129 с., Могильницкий Б.Г. О природе исторического познания. – Томск: ТомГУ, 1978. - 240 с., Захарук Ю.Н. Методологические проблемы археологической науки //Автореф. дисс докт. История наук. – Москва. 1981. – 60 с., Репина Л.П. История исторического знания. Учебное пособие. – Москва: Дрофа, 2004. - 315 с., Тягунов С.И. Понимание в структуре познавательной деятельности: Автореф. дис. канд. Философ. наук. – Ленинград. 1990. – 62., Смоленский Н.И. Теория и методология истории. – Москва: Академия, 2008. - 271 с.

² Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Тошкент: Маънавият, 2008. - 464 б., Ражабов Р. Тарих фанининг методологик асослари. Дарслик. – Тошкент: Истиклол, 2013. - 296 б., Илҳомов З.А. Тарих фани методологияси. – Тошкент. 2018. - 212 б., Алимова Д.А. Тарих фани методологияси. – Тошкент: Ўзбекистон Файласуфлар илмий жамияти, 2018. - 324 б., Назаров Қ. Билиш фалсафаси. – Тошкент: Университет, 2005. - 384 б., Яхшиликков Ж.Ж. Мустақиллик йилларида фуқаролик ҳуқуқи тамойилларини билишнинг фалсафий методологик асослари. Фалсафа доктори (PhD) илмий даража олиши учун ёзилган дисс. автореферати. – Самарқанд. 2019., Ражабов Р., Абуев Х., Курбонов Х. Тарих фани методологияси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. - 400. б., Рустамбоев М.Х., Абдухалиқов С.О. Ҳуқуқ методологияси: ҳуқуқни фалсафий тушуниш бўйича изланишлар. Монография. 1,2,3,4-китоблар. –Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 399 б., Турдибоев Б. Ижтимоий-тарихий яхлитлик ва жараёнларни ижтимоий-фалсафий билишнинг ўзига хос хусусиятлари. Монография. – Тошкент: EXTREUVUV PRESS, 2011. - 148 б., Абдухалиқов С. Маданият тарихи ва унинг асосий масаласи. – Тошкент: Фан, 1992. – 45 б., унинг: Виждон эркинлиги: методологияси муаммолари. – Тошкент: Фан, 1997. – 399 б., унинг: Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқининг методологик муаммолари. Фалс. фан. докт. дисс. Автореферати. – Тошкент. 2002. – 124 б, Маматқулов Р.П. Ўзбек халқи ахлоқий кадриятларида табиатга оқилона муносабат ва унинг ҳозирги кундаги аҳамияти. Фалс. фан. номз. дисс. Автореферати. – Тошкент. 2006. – 62 б.

Тадқиқотнинг мақсади тарих фанларининг ижтимоий-фалсафий методологик асосларини аниқлаштириш ва унинг муаммоларини моҳиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тарихни билишда ижтимоий-фалсафий методологиянинг тушунишларига боғлиқлигини илмий нуқтаи назардан тадқиқ этиш;

тарихни диалектик маданий тушуниш асосида тарих фанларининг қонунлари, тарихий билишда методологик билимларнинг координацион ўрни ва синергетик характерини илмий таҳлил қилиш;

тарихий тараққиётнинг субстанционал қонунлари ва уларнинг синергетик хусусиятларини аниқлаш;

кишилик тарихини формацион ва цивилизацион даврлаштиришнинг жамият ядроси – маданий борлиқнинг даражаси ва типларига боғлиқлигини асослаш;

тарих фанларининг тамойиллари, илмий билиш шакл ва усуллари, тарихий манбалардан фойдаланишнинг ижтимоий-фалсафий тушунишларга боғлиқлигини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тарих методологияси тизимида фалсафий тушунишларнинг белгиловчилик характери ва тарих фанларининг тарихни диалектик маданий тушунишга асосланган ижтимоий-фалсафий асослари олинган.

Тадқиқотнинг предмети тарих фанларининг методологик муаммоларини ўрганишга асосланган манбалар, илмий адабиётлар ва шу мавзу доирасида бажарилган тадқиқотларни таҳлил қилиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда фалсафанинг тизимли функционал таҳлили, объективлик, тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез, алоқадорлик, хусусий тасдиқ, умумийтасдиқ, унверсаллик, борлиқни ўрганиш, абстракциялаш, моделлаштириш, формаллаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

тарих фанлари ижтимоий-фалсафий методологик асосларини тарихни диалектик маданий тушунишга асосланган концепциясига иқлим ва инсон-табиат муносабати каби табиий, ишлаб чиқариш ва коммуникация каби технологик, нанотехнология ва қадриятлар янгиланиши каби инновацион ҳамда лидер, зиёли ва диндорлар каби тарихда шахс роли омилларини киритиш орқали такомиллаштирилган;

жамият ядроси маданий борлиқнинг корреляцион-функционал қонунлардаги моддий, маънавий, бошқарув ва тартибга солиш хусусиятлари ҳамда субстанционал қонунлардаги ахлоқий, диний маданият ва таълим-тарбия омилларининг моҳияти кишилик тарихи мавжудлиги ва ривожланиш қонунларига хос эканлиги фалсафий жиҳатдан очиб берилган;

маданий борлиқ ривожланишини объектив акс эттиришда кишилик тарихини формацион (анъанавий, индустриал, постиндустриал) ва цивилизацион (диний, маданий, иқтисодий, сиёсий тизим) даврлаштириш

бир-бирини тўлдирувчи ва корреляцион боғланишга эга ёндошувлар сифатида далилланган;

тарихни диалектик маданий тушунишда системавийлик, ҳақиқийлик ва тарихнавислик анъаналарига таяниш каби тамойилларнинг, умумфалсафий, гносеологик ва эпистимологик усулларнинг ҳамда тарихий манбалардан фойдаланишнинг ахлоқий-маънавий, ғоявий-мафкуравий, ижтимоий-сиёсий каби мезонларнинг аҳамияти фалсафий жиҳатдан асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тарихни диалектик маданий тушунишга асосланган ижтимоий-фалсафий методологиядан тарих фанларига оид илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш механизми ишлаб чиқилган;

тарихни янгича тушуниш асосида ишлаб чиқилган методологиянинг ижтимоий-фалсафий асослари ўқув курслари соатларини ташкил қилиш тавсия этилган;

республикамизда мавжуд бўлган тарих фанларига оид дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг методологик асосини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, замонавий тарих фанида эътироф этилган ёндашув ва усулларнинг қўлланилганлиги, тадқиқот давомида бевосита муаммога дахлдор бўлган манбалардан фойдаланилганлиги, концептуал ва илмий асосга эга хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқлангани ҳамда таълим жараёнида кутилган натижаларни кафолатлай олганлиги каби ҳолатлар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон миллий давлатчилиги вужудга келиши ва тараққий топишининг энг янги тарихини тадқиқ этиш ва ўқитиш, илмий, илмий-оммабоп, ўқув-методик, методологик адабиётларни тайёрлаш ва чоп этиш, илм-фаннинг таълим ва бошқа ижтимоий соҳалар билан интеграциявий механизмларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида илмий, маданий, таълим, жамоат муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишларининг самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан “Тарих фанинг назарий асослари”, “Тарих фани методологияси”, “Илмий тадқиқот методологияси”, “Тарих назарияси” фанларидан дарслик, ўқув қўлланма, мажмуалар ва фалсафага оид луғатларни такомиллаштиришда, шунингдек, маънавият ва маърифат ўқув марказларининг ўқув тарбия фаолиятида, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш, ОАВда тарих фани ва унинг муаммоларига оид кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тарих фанларининг ижтимоий-фалсафий методологик асослари муаммоларини ўрганиш ва таҳлил қилиш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

тарих фанлари ижтимоий-фалсафий методологик асосларини тарихни диалектик маданий тушунишга асосланган концепциясига иқлим ва инсон - табиат муносабати каби табиий, ишлаб чиқариш ва коммуникация каби технологик, нанотехнология ва кадриятлар янгиланиши каби инновацион ҳамда лидер, зиёли ва диндорлар каби тарихда шахс роли омилларини киритиш орқали такомиллаштирилган каби назарий таҳлил ва хулосалардан 2020 йил 15 августда USAID томонидан эълон қилинган “Знание своих прав – залог уверенности в жизни”, 2021 йил 3 мартда эълон қилинган инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро Хельсинки Фондининг “Коворкинг центр создат условия для эффективной работы ННО” номли халқаро грант лойиҳаларини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Ндавлат ноtijорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг 2021 йил 25 августдаги 04-05/431-сон маълумотномаси). Натижада, вилоятларда тарихий-маданий муносабатларни кенг тарғиб этувчи махсус коворкинг маркази ташкил этилган, инвесторларга ижтимоий тармоқлар орқали вилоятлардаги маданий мерос объектлари, тарихий, ижтимоий-маданий имкониятлари ва салоҳияти тўғрисида мунтазам материаллар бериб борилиши йўлга қўйилган ҳамда мазкур лойиҳалар асосида хорижий сайёҳлар ва инвесторлар учун “Сахро мўъжизалари” номли махсус қўлланма нашр этилган;

жамият ядроси – маданий борлиқнинг корреляцион-функционал қонунлардаги моддий, маънавий, бошқарув ва тартибга солиш хусусиятлари ҳамда субстанционал қонунлардаги ахлоқий, диний маданият ва таълим-тарбия омилларининг моҳияти кишилиқ тарихи мавжудлиги ва ривожланиш қонунларига хос эканлиги очиб берилганлигига оид назарий таҳлиллар, хулосаларидан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020-2021 йилларда ўтказилган тарғибот фаолиятида тадбиқ этилиб, хусусан, Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастурининг III боби “Миллий давлатчилигимиз тарихи, буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, уларнинг инсонпарварлик ғояларини ҳаётга кенг татбиқ этиш, аждодларга муносиб қилиб тарбиялашда адабиёт, маданият, санъат намуналаридан кенг фойдаланиш чора-тадбирлари” йўналишига оид 20-банди “Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида бой маънавий меросимиз, миллий ва тарихий қаҳрамонларимиз жасоратини кенг тарғиб этишга қаратилган” илмий-амалий конференцияни ташкил этишда диссертация материалларидан фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 26-августдаги 02/08-1050-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон ёшларига миллий давлатчилигимиз тарихи, буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросини ўргатиш ҳамда уларнинг инсонпарварлик ғояларини ҳаётга кенг татбиқ этишда илмий методологик қўлланма сифатида хизмат қилган;

маданий борлиқ ривожланишини объектив акс эттиришда кишилиқ тарихини формацион (анъанавий, индустриал, постиндустриал) ва цивилизацион (диний, маданий, иқтисодий, сиёсий тизим) даврлаштириш бир-бирини тўлдирувчи ва корреляцион боғланишга эга ёндошувлар сифатида далилланганлигига доир илмий янгилиги, назарий хулосалари, методологик тавсиялари ҳамда амалий таклифларидан Фуқаролик жамиятини ривожлантириш марказининг ижтимоий-сиёсий тадбирлари ва ўқув семинарларини ташкиллаштиришда, хусусан, 2020 йил 16 сентябрдаги Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган стратегиясида 2020-2025 йиллар ўрта муддатда амалга оширилиши режалаштирилган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича “Йўл харитаси”нинг 1-йўналиши 10-банди “Фуқаролик жамиятини илмий-назарий ўрганувчи, унинг ривожланишини доимий таҳлил қилиб боровчи таҳлилий, илмий-ўқув лабораториясини (ақл маркази) ташкил этиш”; 11-банди “Фуқаролик жамияти ривожланиши масалалари бўйича амалий ва фундаментал тадқиқотлар ўтказиш” ва 2-йўналиши 19-банди “Фуқаролик жамияти асослари” предмети бўйича амалдаги ўқув дастурлари ва қўлланмаларини танқидий таҳлил қилган ҳолда мазкур масалада ягона давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш”; 20-банди “Давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари учун доимий равишда фуқаролик жамияти йўналишида махсус ўқув курслари ташкил қилиш” бандлари ижросини таъминлашда диссертацияда кўрсатилган илмий янгиликлар ҳамда ижтимоий-фалсафий методологик таҳлил ва ёндашувлардан фойдаланилган (Фуқаролик жамиятини ривожлантириш марказининг 2021 йил 26-августдаги 49/02-сон маълумотномаси). Натижада, фуқаролик жамияти тузилмаси, ижтимоий шерикчилик масалалари ҳамда нодавлат ташкилотларнинг салоҳиятини оширишда илмий-назарий таҳлиллар асосидаги хулосалар ижтимоий-фалсафий методологик жиҳатдан замонавий ёндашувлар воситасида такомиллаштирилган;

тарихни диалектик маданий тушунишда системавийлик, ҳақиқийлик ва тарихнавислик анъаналарига таяниш каби тамойилларнинг, умумфалсафий, гносеологик ва эпистимологик усулларнинг ҳамда тарихий манбалардан фойдаланишнинг ахлоқий-маънавий, ғоявий-мафкуравий, ижтимоий-сиёсий каби мезонларнинг методологик аҳамияти асослаб берилганлиги каби илмий янгилиги ва назарий хулосаларидан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан амалга ошириладиган “Маҳалла – менинг тақдиримда” кўрик-танлови, “Менинг шажарам” акцияларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 10-октябрдаги “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2050-сонли Қарори асосида ташкил этилган ўқув курсларининг самарадорлигини оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2021 йил 25 августдаги 02-04/2062-сон маълумотномаси). Натижада, Маҳалла ва оилани қўллаб

куватлаш вазирлиги тизимида ташкил этилган “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари”ни ташкил этиш ва амалга оширишда назарий методологик қўлланма сифатида хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган. Шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган нашрларда 4 та, хорижий журналларда 2 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 131 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги тавсифланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, тадқиқотда қўлланилган усуллар ёритилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган ҳамда диссертация натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Тарихий билиш ва унинг методологик даражалари**” деб номланган биринчи бобида ижтимоий билиш ва унинг тизимида тарихий билишнинг ўрни, тарих фани предмети ва тарих фанларининг туркумланиши, тарихий билишда фанлараро муносабатлар, тарихий билишда методологик билимларнинг координацион ўрни ва синергетик характери каби масалалар тизимлаштирилган ҳамда таҳлил қилинган.

Фалсафага оид қомусий луғатларда “Билиш – оламнинг инсон онгида инъикос этиш жараёни”,¹ - деб таъриф берилган. Билим ҳақиқатан инсон миясида акс этадиган воқелик мазмуни, сақланиши, унга қайта ишлов берилиши, моҳияти ҳамда ахборот сифатида узатилиш жараёни эканлиги тадқиқотда кўрсатилган. “Билиш инсониятнинг унинг онги туфайли воқеликка чексиз яқинлашиб боришидир”². Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, ҳайвон табиатнинг тайёр маҳсулотларини ўзлаштиришини, инсонлар эса

¹ Фалсафа: қомусий луғат. –Тошкент. Шарк. 2004. – Б. 55.

² Рустамбоев М.Х., Абдухаликов С.О. Ҳуқуқ методологияси: тарих ва ҳуқуқни диалектик маданий тушуниш асослари. –Тошкент. 2005. – Б. 79.

хайвонларга хос табиий имкониятларнинг йўқлиги туфайли табиатга ишлов бериб ўзлаштиришини ва бу орқали ўз мавжудликларини таъминлашини ҳамда табиатнинг ишлов бериб яратилган қисми маданий борлиқ эканлиги фалсафий изоҳланган. Маданий борлиқ – жамият мавжудлигининг асоси деган ғоя тарихни диалектик маданий тушунишга асосланган ижтимоий фалсафий тамойили ҳисобланади. Бу тамойил тарихчи-тадқиқотчини воқеликка ҳолисона ёндашишга олиб боради. Тарихни билиш – ундаги ижтимоий – тарихий яхлитлик ва унга боғлиқ ҳолдаги тарихий жараёнларни билишдан иборатдир. Тарихий жараёнларнинг негизини, шаклланиши ва ривожланишини маданий борлиқ ташкил этиши илмий асосланган.

Тадқиқотчининг фикрича, тарихий билишда ўтмишдаги объект ҳаракатга келиши керак. Бунинг учун ўша тарихий давр маданий борлиғи олинади, идеал тарзда моделлаштирилади ва шу асосда муайян мамлакат ижтимоий-тарихий яхлитликда олинади, тарихий жараёнлар унга боғлиқ ҳолда ўрганилади. Бунда “билиш” маънавий-маданий ўлчам ҳисобланади. Табиатни билиш маданий, яъни ижтимоий жараён, у инсонларга хос тушунчаларни ифодалайди. Бу табиий билишни ўз ичига олган ижтимоий билишнинг кенг маъноси эканлигини англатади. Билиш тизимида “ижтимоий билиш” сўзи ҳам ишлатилади, бу эса унинг объекти жамият – кишилиқ тарихи эканлигини англатиши фалсафий асосланган.

Диссертацияда кишилиқ тарихининг асосини маданий борлиқ ташкил этиши, унинг ички коррелятив-функционал боғланишларини аниқлаш орқали ҳар бир тарихий ҳодисанинг бу қонуниятлар билан боғланиш тизимидаги ўрнини билиш, маданий борлиқнинг муайян тарихий ҳудуд ва вақтдаги яхлитликларидан цивилизациялар, яъни ўз фуқаро ва давлатига эга мамлакатлар келиб чиқиши, маданий борлиқнинг система ташкил этувчи субстанционал элементлари ва қонуниятларидан кишилиқ тарихи эволюцияси содир бўлиши ва тарихий билишда тарихни диалектик маданий тушунишга асосланган дастуриламал қоидалар билан ёндашилса тарихий объективлик янада кенгайтириши илмий асосланган.

Диссертантнинг фикрича, ижтимоий билиш табиий илмий билишга нисбатан ишлатилади. Ҳар соҳанинг ўз тарихи бор. Шунинг учун ҳам илмий адабиётларда “тарихий билиш” сўзидан фойдаланилган. Тарихий билиш кенг маънода барча билиш турларида ўтмишни хаёлан тиклаш мақсадида тушунилади. Инсонлар ўтмиш тарихи ҳақида қандай тафаккур қилишига қараб, тарихни билиш даражасининг чегараси белгиланади, нарсалар мазмуни аниқланади. Бу илмий жараён нафақат тарих фанларида, балки шу билан бирга бошқа фанларда ҳам амалга ошади. “Инсоннинг ўтмиши чексиз даражадаги турфалиқдан иборатдир, ундаги ҳодисалар чексиз равишда содир бўлган ва уларнинг барчасини таърифлаб бериш имконсиздир”¹. Тадқиқот ишида бу фикрларга қўшилмаган ҳолда тарих фанларини умумийлик, хусусийлик ва алоҳидалиқ диалектикаси бўйича умумий тарих фани, хусусий

¹ Қаранг: Лаптева М.П. Теория и методология истории: курс лекции. – Пермь: Перм.гос.ун-т, 2006. – С. 159-160.

даражадаги тарих фанлари, яъни мустақил ва ёрдамчи тарих фанлари ҳамда оралик тарих фанлари, яъни махсус тарих фанларининг мавжудлигини ижтимоий ҳаётнинг турфалиги орқали тарих фанларининг хилма-хиллиги келиб чиққанлиги тадқиқ этилган. Умумий тарих барча ҳудудларни қамраб олади ва тарихий жараёнларни қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги даврларга бўлиб ўрганади. Геральдика, нумизматика, генеология, тарихий метрология, тарихий хронология, ономастика, картография кабилар ёрдамчи тарихий фанлар ҳисобланади. Манбашунослик, археография, тарихшунослик, антропология, археология, этнография махсус тарихий фанлардир. Тадқиқотда бу фанларга хос умумийликларни топиш методологиянинг муаммоларидан эканлиги таҳлиллар асосида очиб берилган.

Диссертацияда тарих фанларининг бошқа фанлар билан алоқадорликлари ҳам кўрсатилган бўлиб, фалсафа ва ижтимоий фалсафа тарих фанлари учун методологик функцияларни бажариши қайд этилган. Мисол учун математика фани кишилик тарихида аниқ вақт кўрсатувчи ва даврлаштиришни аниқлашда зарурий фан ҳисобланади. Жамият ҳақидаги яхлит тасаввурни шакллантириш, ўтмиш ва бугунни аниқлаш, жамият ривожини истиқболини таҳлил қилишда фанлараро ёндашув муҳим аҳамият касб этади. Кишилик тарихини билишда методологик билимларнинг мантиқий координацион ўрни ва синергетик характери муҳим ҳисобланади. Умумийликларни ўрганувчи фанлар аниқ фанлар учун қўлланмавий характерга эга бўлиб, тарих фанлари учун – фалсафа ва ижтимоий фалсафа, фалсафий методология, тарих назарияси эса нофалсафий методология эканлиги кўрсатиб берилган. Тарих фанида ишлатиладиган илмий билишнинг умумий ва махсус методлари ҳақидаги билимлар методологик восита вазифасини ўтайди.

Кейинги вақтларда фалсафий методология тизимида синергетик ёндошув ҳам шаклланди. Синергетика – ҳамкорликдаги ҳаракат бўлиб, бутунни тизим сифатида акс эттирувчи қисмларнинг келишилган фаолияти маъносида ҳам ишлатилади. Табиий фанларда бўлгани сингари ижтимоий-гуманитар фанларга хос методлар, масалан, социологик тадқиқотлар ҳам борки, улар табиий фанларда ишлатилмайди. Методологик билимлар, хусусан, фалсафий (фалсафа ва ижтимоий фалсафа) ва нофалсафий (тарих назарияси) методологик асос бўлувчи билимлар – концепциялар, назариялар тарихий билишда мантиқий боғловчи ва тўлдирувчи ҳисобланади. Воқеалар сиёсий, маънавий ёки социал ёхуд моддий, хусусан, иқтисодий ҳаёт соҳаларида юз бермасин, жамият мавжудлиги ва ривожланишининг умумий алоқадорликлари – қонуниятлари тизимида содир бўлиб, методологик асос бўлувчи билимларнинг мантиқий координацион характери келтириб чиқариши асосланган.

Тадқиқотчининг фикрича, жамият мавжудлиги ва ривожланишининг асосини маданий борлик ташкил этар экан, унинг шаклланиши ва ривожланиши билан кишилик тарихи ҳам келиб чиққан. Ижтимоий ҳаёт хилма-хиллиги, тарих фанларининг ҳам хилма-хиллигини келтириб чиқарган.

Тарихий билишнинг фалсафий методологияси – бу фалсафа ва ижтимоий фалсафа фанларидир. Тарих назарияси ва тарихий билишнинг махсус методлари эса нофалсафий методология эканлиги таҳлиллар асосида асослаб берилган.

Диссертациянинг **“Тарихни билишда ижтимоий-фалсафий методологиянинг тушунишларга боғлиқлиги”** деб номланган иккинчи бобида тарих методологияси тизимида фалсафий тушунишларнинг белгиловчилик характери, ижтимоий фалсафа бош тамойилини аниқлашнинг тарих фанлари учун методологик аҳамияти, тарихни материалистик тушунишдан холи бўлиш зарурлиги асослаб берилган ва XX асрда шаклланган фалсафий йўналишларнинг тарих методологиясини ойдинлаштиришдаги роли ва аҳамияти аниқланган.

Ўтмишни баҳолашнинг энг тўғри ва холисона йўли – унга ҳаёт ҳақиқати, инсон ва жамият ўртасидаги боғлиқлик, уйғунлик, кишилиқ ҳаётининг узлуксиз тараққиёти замирида ётган муносабатлар, қарама-қаршиликлар, манфаатлар орқали баҳо беришдир¹. Диссертацияда кишилиқ тарихини ўзаро алоқадорлик ва боғлиқлик тизими асосида ўрганиш, унинг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихини диалектик маданий тушуниш, тарихга холисона баҳо бериш ҳамда методологик билишлар ва концепциялардан тортиб тарихий методлардан фойдаланишгача тарихни фалсафий тушунишларга боғлиқлиги асосланган. Олдин механик равишда ўзлаштирилган, ҳатто маъноси англашилмаган маълумотлар ҳам, сабабий боғлиқликлар ҳам тушуниш туфайли мантиқан муайян тартибга, бир хил мантиқий тизимга келтирилиши мумкин. Диний-мифологик тушунишлар, диний тушунишлар, фалсафий тушунишлар, жумладан, уларнинг тармоқлари – материалистик ва идеалистик тушунишлар ўтмишни англаш ва идрок этишнинг ҳар хиллигини кўрсатади. Тарих фанининг асосий вазифаси ўтмиш воқеаларини холисона тиклашдир. Ўтмишни назарий қайта тиклаш конкрет, локал макон ва замондаги тарихий жараёнларни қайта кўриб чиқишга йўналтирилган бўлиб, тарихий қайта тиклашда тарихий қонунлар муҳим аҳамият касб этади. Қонун ёрдамида назарий ва эмпирик қайта тиклаш амалга ошади. Тарихни тушуниш ва ўрганишда турли мутахассислар турли хил ёндашишади. Инсон тафаккури нисбий бўлиб, ўтмишни англаш, идрок этишнинг ягона қолипи бўлмайди. Тарихий жараёнларни тадқиқ этиш турли даврларда турлича нуқтаи назарлар ва ёндашувлар асосида амалга оширилиши боис, турли даврларда тарих ва тарих фани ҳамда унга бўлган муносабат ҳам турлича бўлган. Шу сабабдан тарих методологиясида ижтимоий-фалсафий тушунишлар турличалигини кўриш мумкин.

Диссертацияда кишилиқ тарихини келиб чиқишини теологик нуқтаи назардан тушуниш, бу – Аллоҳ мавжудликнинг яратувчиси, тарихни идеалистик тушунишга асосланган кишилиқ тарихининг асосини объектив ғоя ёки йирик шахсларнинг иродаси ташкил этиши, тарихни материалистик тушунишга асосланган ижтимоий фалсафа, яъни тарихий материализмда

¹ Жўраев Н.Қ. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.16.

моддий неъматларни ишлаб чиқариш кишилиқ тарихининг асоси эканлиги ҳамда бу фалсафада ижтимоий борлиқ тушунчаси моддий неъматларни ишлаб чиқариш ва географик муҳит, хуллас, моддий шарт-шароитлар билан мувофиқлаштирилиши тадқиқ қилинган. Бу кишилиқ тарихи моддий неъматларни ишлаб чиқариш ва унинг усуллари – ибтидоий, қулчилик, феодалистик, капиталистик ва коммунистик усулларнинг ўрин алмашишлари асосида изоҳланади. Шу фактнинг ўзиёқ тарих методологиясида ижтимоий-фалсафий тушунишлар белгиловчилик характериға эға эканлигини кўрсатиб турибди.

Диссертантнинг фикрича тарихни диалектик маданий тушунишға мувофиқ, жамият мавжудлиги ва ривожланишининг асосини маданий борлиқ ташкил этади. Демак, ижтимоий борлиқнинг марказий қисмини маданий борлиқ, жумладан, маънавий маданият ташкил этади. Тадқиқотда маданий борлиқ маданият тушунчасининг синоними эканлиги, маданият тўғрисидаги концепциялар тизими ҳамда тарихни диалектик маданий тушуниш доирасида олиб борилган ишлар илмий таҳлил қилиниб, маданият - табиатдан фарқли ўлароқ - бу инсонлар яратган ва яратаётган ҳам моддийлик, ҳам маънавийликдир. “Маданият – у ёки бу эҳтиёжларни қондириш мақсадида махсус ишлов берилган, инсонийлашган табиатдир”¹.

Тадқиқотда тарих фанларида тарихни материалистик тушунишдан холи бўлиш ва унинг ўрниға методологик асос сифатида тарихни диалектик маданий тушуниш ва унинг пировард мақсади – цивилизацион ёндашишдан фойдаланиш илгари сурилган. Агар гуманитар фанлар соҳасида социалистик мамлакатларда тарихни материалистик тушуниш ижтимоий-фалсафий методология сифатида тарқалган ва ҳукмронлик қилган бўлса, ривожланган Ғарб мамлакатларида неотомизм, неопротестантизм каби теологик, неокантчилик, неогегелчилик каби объектив идеалистик ва неопозитивизм, прагматизм, экзистанционализм каби субъектив идеалистик йўналишлар фалсафий ғоявий вазифани ўтамоқда. Тадқиқот ишида тарих фанларида бу фалсафий оқимлардан ғоявий асос сифатида фойдаланиш бир томонлама хулосалар чиқаришға олиб келиши таҳлиллар асосида далилланган. Методологик билимлар умумий билимлар бўлиб, уларнинг моҳиятини муайян тушунишлар ташкил этади. Фалсафий тушунишлар методологик билимлар тизимида координацион ролни бажариши асослаб берилган.

Диссертациянинг **“Тарихни диалектик маданий тушуниш тарих фанларининг ижтимоий-фалсафий методологияси сифатида”** деб номланган учинчи бобида кишилиқ тарихининг заминлари, корреляцион-функционал қонунлари тарихий тараққиётнинг субстанционал қонунлари ва уларнинг синергетик характери, кишилиқ тарихини формацион ва цивилизацион даврлаштириш муаммолари тадқиқ этилган.

Табиат тарихи ва жамият тарихи мавжудки, “табиат” тушунчаси кенг маънода бутун чексиз оламни, жумладан, коинотни ўз ичига олади. “Табиат”

¹ Қаранг: Фалсафа: учебник для студентов высших учебных заведений. – Ростов: На Дону. Феникс, 1999. – С.312.

тушунчаси тор маънода эса кишилик жамияти мавжудлигининг замини - географик муҳитни ифодалайди. “Табиий муҳит инсоннинг биологик ривожланишини таъминласа, ижтимоий муҳит эса, инсон фаолияти давомида (оила, боғча, мактаб, мактабдан ташқари муносабатлар ва маҳалла) шахс сифатида шаклланиши учун асосий омил бўлиб хизмат қилади”¹.

“Чор унсур” фалсафаси бўйича табиатнинг асосини ҳаво, сув, тупроқ ва олов ташкил этади. Ҳозирги замон фани бўйича ҳаво – газли қатлам, яъни атмосферадир, сув-гидросферадир, тупроқ-литосферадир ва олов – қуёш нуридир. Ушбу унсурлардан биронтаси бўлмаса, органик табиат – флора ва фауна таркиб топмайди. Шу жумладан, қуёш нури бўлмаса, кимёвий ва сўнгра биокимёвий жараёнлар, хусусан, фотосинтез юз бермайди. Демак, географик муҳит кишилик тарихи мавжудлигининг табиий замини ҳисобланади. Инсон ҳар қандай маданий борлиқнинг яратувчиси, субъекти ҳисобланади. Инсонлар табиатни ўзгартириб, унга ишлов бериб ўзлаштиради. Шу зарурат туфайли аввал овчилик, сўнгра деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик каби меҳнат турлари келиб чиққан. Ушбу ишлов бериб яратилган борлиқ маданий борлиқ бўлиб, унинг юзага келиши билан кишилик жамияти шаклланган. Унинг такомиллашиши билан тарих эволюцияси юз берган ва юз бермоқда.

Диссертацияда ижтимоий фалсафа кишилик тарихи шаклланиши ва ривожланишининг энг умумий қонунлари ва ҳаракатлантирувчи кучларини ўрганиши ҳамда синтезлаши қайд этилган. Муайян бир турдаги назариялар тўплами бир бутун яхлитликда фан даражасига чиқиши учун, биринчидан, методологик асосга, иккинчидан, ўз объектининг қонуниятлари тўғрисидаги билим ва категориал аппаратга, учинчидан, эмпирик базасига эга бўлиши керак. Методологик асосларсиз тарих фани объектининг қонуниятларини аниқлаш мумкин эмас. Шундай экан, “Қонуниятлар ва қонуният нима?” - деган савол пайдо бўлади. “Қонун муайян шарт-шароитларда воқеалар ривожининг характери ва йўналишини белгилайдиган, маълум бир қатъий натижани тақозо этадиган объектив дунёдаги воқеа ва ҳодисаларнинг муҳим, зарурий, умумий, нисбий бир қатор муносабатларидир”². Қонунлар табиат, жамият ёки инсон тафаккурида бўлган боғланишлар бўлиб, бу боғланишларнинг муайян макон ва замонда барқарор бўлганлари нарса ва ҳодисалар ўртасидаги муносабатлардаги тенденцияларни белгилаб беради. Бу кишилик тарихининг умумий қонунлари бўлиб, ибтидоий даврга, қулдорлик даврига, ўрта асрлар, янги ва энг янги даврларга оид қонуниятлар туркумида трансформацияга учраши тадқиқотда илмий изоҳланган.

Тадқиқотчи жамият ядроси – маданий борлиқнинг ички боғланишларидан тўртта корреляцион – функционал қонунлар ҳам келиб чиқишини асослайди. Булар қуйидагилар: моддий маданиятнинг ижтимоий ҳаёт соҳаларига нисбатан моддий асос қонуни, инсонлар ҳаёт соҳаларида социал асос қонуни, жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятлари ижтимоий

¹ Тиллаева Г.Х. Ижтимоий муҳит ва тарбия: муаммо ва ечимлар (ижтимоий-фалсафий таҳлил). // Фалс.фан.номз. ...дисс автореферати. –Тошкент. 2007. – Б. 10.

² Туленов Ж. Диалектика назарияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2001. – Б. 106.

хаётнинг бошқа соҳаларининг маданий қисмларига нисбатан бошқариб ва тартибга солиб турувчи қонуни, жамият маънавий маданияти ижтимоий ҳаёт соҳаларининг бошқа маданий қисмларига нисбатан маънавий асос қонуни. Диссертацияда бу қонунлар тарихни диалектик маданий тушуниш асосида кашф қилинганлиги асосланган.

Инсонлар ва улар яратган моддий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий маданиятлар функционал ҳолатларига кўра бир-бирларини тақозо қиладилар, яъни корреляцияларда бўлади. Бу маданий қисмларнинг корреляцион-функционал бир бутунлигидан мамлакатлар ижтимоий-тарихий яхлитлиги келиб чиқади ва унга боғлиқ ҳолда тарихий жараёнлар ҳам бошланади. Инсон барча маданий қисмларнинг яратувчиси ва ташувчисидир. Шунинг учун инсон ва унинг бирликлари ижтимоий тараққиётида социал асос, яъни субъектнинг белгиловчилик роли қонунини бажарадилар. Жамият ривожланиши тарихи ўз қонунларига эга бўлиб, инсон қонуниятларининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Демак, мамлакатлар ва улар тарихининг мавжудликларининг негизларини корреляцион – функционал қонунлар ташкил этади. Кишилиқ тарихининг бу қонуниятлари мувофиқлигидан мамлакатларнинг синергетик ҳодисалари ҳам келиб чиқади.

